

АДАБИЙ АЛОКА — турли халкларнинг адабий уюшмалари, ижодкорлари орасидаги адабий-ижодий муносабат. Адабий алокалар кадим даврлардаёк мавжуд бўлиб, турли мамлакатларда яшаб, турли тилларда ижод килувчи адиблар ижодий хамкорлигини, хамдўстлигини таъминловчи омил сифатида хизмат килиб келган. Адабий алокалар туфайли муайян миллатга хос адабий ходиса ва анъаналар иккинчи халк маънавий-эстетик мулкига айланади, бадиий карашлари такомилини таъминлайди. Бунда бадиий таржимачилик жуда катта вазифа бажаради. Хозирда адабий алоканинг адабий хафталиклар, адабиёт ва санъат ўн кунлиги, буюк сўз усталари юбилейларини баргаликда нишонлаш, учрашувлар сингари янги шакллари мавжуд. Адабий алокалар мухаммас bogлаш, татаббуъ, назира, иктибос ва тазмин каби ижод шаклларида хам яккол намоён бўлади.